

## ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНО (ТИ) – БУ НИМА?

Спортчилар турли дори воситаларни истеъмол қилиш ёки даволаш услубларини қўллашни талаб этувчи касалликлар ва ҳолатлар билан хасталанишлари мумкин. Агар ушбу касаллик ёки ҳолатни даволаш учун спортчи Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг Тақиқланган рўйхатига киритилган модда ёки услубдан фойдаланиши зарур бўлса, ТИ расмийлаштириш орқали спортчи мусобақа даврида зарур бўлган модда ёки услубдан фойдаланиши мумкин бўлади ва бу вазиятда спортчи антидопинг қоидабузарликда айбланмайди ҳамда табиийки унга нисбатан ҳеч қандай жазо чораси қўлланилмайди. Терапевтик истисно руҳсатини олиш учун аризалар малакали шифокорлардан иборат Терапевтик истиснолар бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Миллий антидопинг агентликлари, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Терапевтик истиснолар бўйича комиссиянинг руҳсатномалари фақат миллий тоифадаги спорт мусобақалари ҳамда ўқув-машғулотлар даврларида кучга эга.

## ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНО РУҲСАТИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛЛАР МАВЖУД?

WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг Халқаро терапевтик истиснолар бўйича стандартининг 4.2-моддасига асосан, қуйидаги тўрт тамойил мавжуд бўлиши шарт:

- Ушбу тақиқланган модда ёки услубдан фойдаланган ҳолда даволаниши зарур бўлган касаллик спортчида мавжудлиги аниқланган;
- Ушбу даволаш мақсадида қўлланган модда, барча эҳтимолларни ҳисобга олган ҳолда, спортчининг одатдаги натижадорлиги ёки ишчанлигини сезиларли даражада яшиланишига олиб келмаслиги аниқланган;
- Ушбу тақиқланган модда ёки услуб – бу муайян касалликни даволаш учун белгиланган ва бошқа альтернативаси мавжуд бўлмаган ягона модда ёки услублиги аниқланган;
- Ушбу тақиқланган модда ёки услубдан фойдаланиш эҳтиёжи аввал ундан (ТИ руҳсатномасиз) фойдаланганлигини оқибати эмаслиги аниқланганда.

## КИМ ТОМОНИДАН, ҚАЕРДА ВА ҚАЧОН ТИ АРИЗАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

Антидопинг қоидалари талабларига бўйсунуши лозим бўлган спортчилар тақиқланган моддани истеъмол қилиши ёки тақиқланган услубдан фойдаланиши учун аввал ТИ руҳсатномасини олиши зарур. Сиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан [uznada@mail.ru](mailto:uznada@mail.ru) электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали боғланиб, ТИ руҳсатномасини олиш мақсадида қайси ташкилотга мурожаат қилиш

лозимлигини, аризани ретроактив равишда киритиш мумкинлиги тўғрисида маълумот олишингиз мақсадга мувофиқдир.

Авваламбор, даволанишингиз учун буюрилган моддалар ёки услублар WADA Тақиқланган рўйхатидан ўрин олган ёки олмаганлигини текширинг. Тақиқланган рўйхатни Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг [www.uznada.uz](http://www.uznada.uz) ёки Агентликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлари ёки WADA нинг веб-сайтидан ([www.wada-ama.org](http://www.wada-ama.org)) юклаб олишингиз мумкин.

Сиз антидопинг қоидаларига риоя қилишингиз шартлиги ҳақида ўз шифокорингизни огоҳлантиришингиз керак. Сиз ва шифокорингиз Сизга буюрилган модда ёки услубни Тақиқланган рўйхат бўйича текширингиз зарур. Агар ушбу модда ёки услуб тақиқланган бўлса, унинг ўрнини босувчи тақиқланмаган модда ёки услубни қўллаш юзасидан шифокорингиз билан маслаҳатлашинг. Сизга буюрилган модда ёки услубнинг альтернативаси мавжуд эмас холда ТИ руҳсатномасини олиш учун мурожаат қилинг. Бунинг учун жавобгарлик спортчининг зиммасидалигини унутманг. Сиз қўшимча маълумот ёки амалий ёрдамга эҳтиёж сезсангиз, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан боғланишингиз мумкин.

Сўнгра Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан боғланиб, ўзингизнинг тоифангиз (миллий ёки халқаро) ҳамда ТИ руҳсатномасини олиш учун белгиланган талабларни аниқлаб олинг.

Агар Сиз миллий тоифадаги спортчи бўлсангиз (яъни бирон марта халқаро спорт мусобақасида иштирок этмаган бўлсангиз), ТИ руҳсатномасини олиш учун Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига олдиндан мурожаат қилишингиз лозим, фавқулодда вазиятлар ва холатлар бундан истисно.

Агар Сиз халқаро тоифадаги спортчи бўлсангиз (яъни халқаро спорт мусобақасида иштирок этган бўлсангиз), ТИ руҳсатномасини олиш учун шуғулланаётган спорт турингиз бўйича Халқаро спорт федерациясига олдиндан мурожаат қилишингиз лозим, фавқулодда вазиятлар ва холатлар бундан истисно.

Фақат мусобақа даврида тақиқланган моддалардан фойдаланиш юзасидан ТИ руҳсатномасини олиш учун кейинги мусобақа бошланишидан 30 кун аввал мурожаат қилишингиз лозим. Мурожаат йўллаш учун «Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига ТИ мурожаатини йўллаш» саҳифасига эътибор қаратинг.

### **Муҳим эслатма:**

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан берилган ТИ руҳсатномаси фақат миллий босқичда кучга эга. Агар Сиз халқаро босқич спортчиси бўлсангиз ёки халқаро мусобақаларда иштирок этган/этаётган бўлсангиз, ушбу ТИ руҳсатномаси Сиз шуғулланаётган спорт тури бўйича Халқаро федерация ёки йирик мусобақа ташкилотчиси томонидан тан олинмаса, кучга эга бўлмайди. Шунинг учун Сизга Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан берилган ТИ руҳсатномаси Халқаро федерация ёки йирик мусобақа ташкилотчиси томонидан тан олинishi ҳақида маълумотни суриштиришингиз керак.

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги Сизга тоифангизни (миллий ёки халқаро) ҳамда ТИ руҳсатномасини олиш учун белгиланган талабларни аниқлашда кўмаклашади. Шунингдек, бунга зарурият бўлган тақдирда, Сизга берилган ТИ руҳсатномасини Халқаро федерация ёки йирик мусобақа ташкилотчиси томонидан тан олинishi учун зарур хужжатларни тақдим этишда амалий ёрдам кўрсатади. Бунинг учун Ўзбекистон Миллий

антидопинг агентлиги билан [uznada@mail.ru](mailto:uznada@mail.ru) электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали боғланишингиз сўралади.

## РЕТРОАКТИВ ТИ РУҲСАТНОМАСИГА ЭГА БЎЛСАМ БЎЛАДИМИ?

Сиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан берилган ретроактив ТИ руҳсатномасига фақат қуйидаги ҳолатлардагина эга бўлишингиз мумкин:

- Сиз шошилиш ёки тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бўлсангиз;
- ТИ аризасини беришга етарли вақт ва имкониятингиз бўлмаган ёки бошқа истисно тариқасида узрли сабаб(лар) Сизга буни амалга оширишга тўқинлик қилган бўлса.
- Ўзбекистон Миллий антидопинг қоидаларига кўра Сизнинг вазиятингизда ТИ аризасини олдиндан бериш талаб этилмаган бўлса.
- Қуйи даражадаги спортчи саналиб, Халқаро федерация ёки Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги юрисдикциясида бўлмай туриб Сиздан допинг-синама олинган бўлса.
- Сиз мусобақадан ташқари даврда тақиқланган моддани (масалан, глюкокортикоидни) истеъмол қилганингиздан кейин Сиздан олинган допинг-синама ижобий натижа кўрсатган бўлса.

Истисно тариқасида, Халқаро терапевтик истиснолар бўйича стандартининг меъёрларида бошқаси кўрсатилган бўлсада, адолат тамойили устун келадиган аниқ ҳолатда Сиз ретроактив ТИ руҳсатномасини олиш учун ариза беришингиз мумкин.

Ушбу руҳсатнома фақат WADA нинг розилиги билан берилиши мумкин (бунда WADA Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг қарорини мақбуллаш ёки рад этишга ҳақлидир).

### **Муҳим эслатма:**

Тақиқланган модда ёки услубдан ТИ руҳсатномасисиз фойдаланиш антидопинг қоидабузарлигига олиб келиши мумкин.

Допинг-синама олинганидан сўнг ретроактив ТИ руҳсатномасини олиш учун ариза беришингиз зарур бўлган ҳолатда тиббий картангизни ҳозирлаб унга киритилган маълумотларни ўрганиш мақсадида юбориш учун тайёрлаб қўйишингиз тавсия этилади.

## ТИ РУҲСАТНОМАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИГА АРИЗАНИ ҚАНДАЙ БЕРИШ МУМКИН?

### 1 – Имконият: бевосита ADAMS тизими орқали

Сиз шахсан ТИ аризасини тўлдириб, унга тегишли тиббий хужжатларни илова қилиб, маълумотларни ADAMS тизими орқали юклашингиз кифоя.

### 2 – Имконият: ADAMS тизими орқали ёки қоғоз / электрон файл кўринишида

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ТИ аризасини тегишли тиббий карта ва бошқа тиббий хужжатлар билан бирга ADAMS тизими орқали юборишингиз тавсия этилади. Агар ADAMS тизимида Сизнинг шахсий саҳифангиз бўлмаса ва Сиз уни юритиш истагида бўлсангиз, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан [uznada@mail.ru](mailto:uznada@mail.ru) электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали боғланишингиз сўралади.

ТИ аризаси катта харфлардаги тушунарли қўлёзма ёки чоп этилган матн кўринишида юборилиши лозим. Тиббий хужжатлар қуйидагиларни ўз ичида мужассамлаган бўлиши зарур:

- Тўлиқ касаллик тарихи, шу жумладан бирламчи ташхис қўйган шифокор(лар)нинг тиббий хужжатлари (имкон қадар),
- Аризага тегишли турли текширишлар, шу жумладан, лаборатория ва визуал текширишлар ҳамда уларнинг натижалари.

Тиббий лаборатория, визуал ва бошқа текширишлар ҳамда уларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар спортчи томонидан қопланиши ҳақида эслатиб ўтамыз.

Ҳар қайси ТИ аризаси, агарда у нотўлиқ ёки ноаниқ кўринишда бўлса, кўриб чиқилмайди ва талабга кўра тўлдирилиб қайтадан тақдим этиш учун аризачига қайтариб юборилади.

Тиббий хужжатларни тўғри тақдим этишда Сизга кўмаклашиш мақсадида, WADA нинг ТИ аризалар намуналари [Checklists for TUE applications](#) ҳамда фойдали Тиббий маълумотлар [Medical Information to Support the Decisions of TUECs](#) билан танишиб чиқишингизни тавсия этамыз.

Тақдим этилган ТИ аризангиз ва илова қилинган барча тиббий хужжатларнинг тўлиқ нусхаларини ҳамда уларни юборганингизни тасдиқловчи хужжатни сақлаб олишингиз мақсадга мувофиқдир.

## МЕН ЙЎЛЛАГАН ТИ АРИЗАМ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОРНИ ҚАЧОН ОЛАМАН?

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Терапевтик истиснолар бўйича комиссия имкон қадар тез фурсатда қарор чиқаради ва бу ТИ руҳсатномасини олиш учун

берилган ариза ва тегишли тиббий хужжатлардан иборат илова юборилган кундан бошлаб одатда 21 кун ичида амалга оширилади.

## **МЕНГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТИ РУҲСАТНОМАСИНИ ЯНГИЛАШИМ УЧУН НИМА ҚИЛИШИМ ЛОЗИМ?**

Ҳар бир ТИ руҳсатномаси аниқ муддат ичида амал қилади. Ушбу муддат якунига етиши билан ТИ руҳсатномаси ўз кучини автоматик тарзда йўқотади. Агар Сиз тақиқланган модда ёки услубдан фойдаланишда давом этишингиз зарур бўлса, бу холда Сизга тақдим этилган аввалги ТИ руҳсатномасининг муддати тугагунига қадар ва икки ТИ руҳсатномалар ўртасида узилиш пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида кейинги ТИ руҳсатномасини олиш учун янги ариза ва унга илова қилинган янгиланган тиббий хужжатларни йўллашингиз зарур.

### **Муҳим эслатма:**

Допинг-синама олингандан кейин тақиқланган модда ёки услубнинг мавжудлиги, ундан фойдаланиш ёки унга эга бўлиш Сизга тақдим этилган ТИ руҳсатномасида белгиланган шартларга тўлалигича мос бўлиши керак. Шу сабабли, агар Сиз тақиқланган моддани бошқа (кўпроқ) миқдорда (дозада), ораликда, услубда ёки давомийликда истеъмол қилишга мажбур бўлсангиз, у холда Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига мурожаат қилишингиз лозим, чунки бу вазиятда янги ТИ руҳсатномасини олиш учун ариза беришингиз керак бўлиши мумкин. Айрим моддалар ва уларни қабул қилиш тартиби, масалан, инсулин, даволаш давомида ўзгартирилиши мумкин ва бу эҳтимолий ўзгаришлар ТИ руҳсатномасини олиш учун аризада даволовчи шифокор томонидан албатта кўрсатиб ўтилиши лозим.

## **МЕНИНГ ТИ РУҲСАТНОМАСИНИ ОЛИШ УЧУН АРИЗАМ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН РАД ЭТИЛГАН ВАЗИЯТДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИМ ЛОЗИМ?**

ТИ руҳсатномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор ёзма тушунтириш билан бирга чиқарилади. Агар Сиз уни тушунмаган бўлсангиз, рад этиш сабабини аниқлаб олиш учун Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига мурожаат қилишингиз мумкин. Айрим холларда муҳим маълумот, тааллуқли ташхис тести ёки лаборатория текширишларининг натижалари ва ҳакозолар етарли ёки мавжуд эмас бўлиши мумкин. Бундай вазиятда Сиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига қайта мурожаат қилишингиз лозим. Акс холда, чиқарилган қарор устидан Сиз шикоят аризаси билан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Апелляция бўйича комиссияга мурожаат қилишингиз ва ушбу низоли масалани апелляция тартибида хал этишингиз мумкин. Апелляция бўйича комиссия имкон қадар тез фурсатда қарор чиқаради ва ТИ руҳсатномасини олиш учун ариза ва тегишли тиббий хужжатлар ҳамда ТИ руҳсатномасини беришни рад этиш тўғрисида қарордан иборат илова юборилган кундан бошлаб одатда 21 кун ичида амалга оширилади.

## МЕНГА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТИ РУҲСАТНОМАСИ ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯ ТОМОНИДАН ТАН ОЛИНМАГАН ВАЗИЯТДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИМ ЛОЗИМ?

Сиз ёки Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги Халқаро федерация томонидан тан олмаслик ҳақида хабарномани олган кундан бошлаб 21 кун ичида WADAга мурожаат қилишингиз мумкин. Бунда Сиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига аввал йўллаган худди ўша хужжатлар тўпламини электрон почта ёки буюртма хат орқали қуйидаги манзилга юборишингиз лозим:

WADA Medical Department  
World Anti-Doping Agency  
Stock Exchange Tower  
800 Place Victoria (Suite 1700)  
P.O. Box 120  
Montreal (Quebec) H4Z 1B7  
Canada  
Электрон почта манзили: [medical@wada-ama.org](mailto:medical@wada-ama.org)

WADA қарори чиққунга қадар Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан берилган ТИ руҳсатномаси фақат миллий тоифадаги мусобақалар ва мусобақадан ташқари давр учун кучга эгалигича қолиб туради. Агар мазкур масала юзасидан WADA га мурожаат қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги берилган ТИ руҳсатномасини миллий тоифадаги мусобақалар ва мусобақадан ташқари давр учун кучда қолдириш масаласига аниқлик киритиши лозим.

## МЕНГА ТЕГИШЛИ ТИББИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ МАХФИЙ ШАРОИТДА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ТАЪМИНЛАНДИМИ?

ТИ руҳсатномасини олиш учун тақдим этилган мурожаатнома ва илова қилинган барча тиббий ва ҳар қандай бошқа Сизга тегишли маълумотлар WADA Халқаро терапевтик истиснолар бўйича стандартга мувофиқ қатъий махфий шароитда кўриб чиқилади. Сизнинг ТИ руҳсатномасини олиш учун берган ариза ва илова қилинган тиббий ва бошқа тааллуқли хужжатларни кўриб чиқиш учун жалб этилган Терапевтик истиснолар бўйича комиссиянинг барча аъзолари касбий ва улар билан тузилган битим талабларига биноан махфийликни сақлаш мажбуриятига риоя қилишлари шарт.

Сиздан Спортчининг Декларация аризасида белгиланган барча шартлар билан батафсил танишиб чиқишингиз сўралади. Хусусан, шунга эътибор қаратингки, агар Сиз Терапевтик истиснолар бўйича комиссиядан ўзингизга тегишли маълумотларни ўрганиб чиқиш ҳуқуқини чақириб олсангиз, бу ҳолатда Сизнинг ТИ руҳсатномасини олиш учун аризангиз кўриб чиқилмасдан қолдирилди деб ҳисобланади.

Сизнинг ТИ руҳсатномасини олиш билан боғлиқ маълумотларингиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳамда ваколатли шахсларда WADA Халқаро махфийлик ва шахсий маълумотларни химоялаш бўйича стандартига мувофиқ спортчининг аризасида кўрсатилган мақсадларни хал этиш муддатидан ошмаган вақт ичида сақланиб туради.

## АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан шахсий маълумотларни сақлаш ҳақида қўшимча саволлар юзасидан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги маълумотлар химояси бўйича масъул шахс Дилноза Азимова (тел. +99895 1995501) билан боғланишингиз мумкин.

ТИ руҳсатномасини олиш учун аризани қайси ташкилот номига юбориш ва шу масалага тегишли бошқа саволлар юзасидан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан [uznada@mail.ru](mailto:uznada@mail.ru) электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали боғланишингиз сўралади.

## БОШҚА ФОЙДАЛИ ХАВОЛАЛАР:

[WADA International Standard for Therapeutic Use Exemptions \(ISTUE\)](#)

[WADA Q&A on Therapeutic Use Exemptions](#)

[WADA Checklists for TUE Applications](#)

[WADA Guidelines for the 2021 International Standard for Therapeutic Use Exemptions \(ISTUE\)](#)

[WADA Anti-Doping Education and Learning \(ADEL\)](#)

[www.uznada.uz](http://www.uznada.uz)

